O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
N 1-125 I пол.


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 1 январь, № 1 (3800) Якшанба


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги — 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари — юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, авваламбор, иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда — мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.



Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови — авваламбор, ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари жаҳонда тинчлик ва осойишталик, халқимизга бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу истаклари битилган самимий қутловларни йўллаганлар.*

*Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрик хати олинди:*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Кириб келаётган Янги йил муносабати билан энг эзгу ва самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.*

*Тугаб бораётган йилда Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришда бир қатор муҳим йўналишлар бўйича катта тараққиётга эришилди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг янги истиқболларини очиб берган том маънодаги эътиборли ҳодиса бўлди.*

*Ишончим комилки, аниқ мақсадга йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатларимиз Россия ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва кучайтиришга хизмат қилади.*

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, олиб бораётган фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндош ва яқинларингизга бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.*

*Эҳтиром ила,*

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

**Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао;**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан;**
**Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов;**
**Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов;**
**Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;**
**Қирғизистон Республикаси Президенти Қурмонбек Бакиев;**
**Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезерлардан ҳам самимий тилаклар билдирилган табрикномалар келди.**

# Фермерлик - қишлоқ хўжалиги таянчи



**● Республикамизда 1995 йилда 5 мингга яқин фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг ихтиёрида атиги 300 минг гектар ер майдони бор эди. 2005 йилда эса фермерлар сони 123 минг 871 тага етиб, улар 3 миллион 700 минг гектар майдонга эгалик қилдилар. Муҳими, республикамизда шу йили етиштирилган жами пахта ва ғалланинг 70 фоиздан ортиғи фермерларнинг улушига тўғри келди.**

**● Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги 215-сонли Қарорига кўра, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 428 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 20 мингдан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилади.**

# БИЗ ЎН БЕШ ЁШДАМИЗ

*"Халқ сўзи" газетасининг нишона сони 1990 йил 29 октябрда чоп этилган. Унинг илк саҳифасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Катта ҳаёт сари оқ йўл!" сарлавҳали табриги ўрин олган. Жумладан, унда* ***"ҳақиқат, адолат, ошкоралик, ростгўйлик, соғлом танқид каби эзгу фазилатларни қарор топдириш ва тантанасини таъминлашда, жумҳуриятимизнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий мустақиллиги ва тараққиётига эришув*** *(эътибор беринг, ҳали қизил салтанатнинг тирноғидан қон томчилаб турган давр эди)* ***соҳасидаги машаққатли, аммо хайрли курашда "Халқ сўзи" забардаст мафкуравий курол бўлиб қолишидан"*** *умидворлик билдирилганди.*

"Халқ сўзи" нинг илк расмий сони 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади. Орадан 15 йил вақт ўтди. Ўша навқирон нашр ўн беш ёшга тўлди. "Халқ сўзи"ни шу маънода Истиқлолимизнинг элчиси, деб аташ мумкин. Чунки у, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда мустақиллик тўлғоғи билан дунёга келди. 1991 йил 31 август куни мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинди. Бир ярим аср муқаддам қатлиом қилинган эл, эрки қафасга солинган миллат озодликка чиқди. Дунё харитасида Ўзбекистон деган мамлакат пайдо бўлди.

Бироқ истибдод исканжасидан чиққан юрт жуда юпун ва қашшоқ эди. Энг оғири, одамларнинг онгу тафаккури фалажланганди. Улар воқеликни кўриб турар, лекин ҳис қилмас, дунёвий янгиликларни эшитар, аммо вужуди қилт этмасди. Шўро салтанати уларни маънавий мажруҳликка мубтало қилганди. Уларни даволаш керак эди! Уларнинг дардига малҳам, танига эм зарур эди.

"Халқ сўзи" ана шундай даврда дунёга келди ва унинг зиммасига залворли вазифалар юкланди. У бутун бир халқни, миллатларни эзган, темир панжаларида сиқувга олган салтанатга қарши "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир... ", деган шиор билан майдонга чиқди.

Газета дастлабки сонлариданоқ ўша даврнинг ўткир муаммолари — миллатлараро муносабатларни мўътадил этишга, халқлар дўстлигини амалда мустаҳкамлашга, жамиятдаги жўшқин ғоявий жараённи одилона ёритишга, ҳар бир воқеа ва ҳодисадан тўғри хулосалар чиқаришга эътиборни қаратди.

Ўтган ҳар бир дақиқанинг ўз салмоғи, ҳар бир йилнинг, даврнинг ўз тамал тоши бўлади. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг оғир ва мураккаб даврлари ўтди. Бугунги авлоднинг олдидаги вазифалар олдингиларга ўхшамайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, "Халқ сўзи" газетаси ҳам Мустақилликнинг ҳар бир йилидан, ўтган ҳар бир дақиқасидан куч олиб, қувват олиб ўсди, ривож топди, шаклланди. Ўз сафида иқтидорли журналистларни, ёш, салоҳиятли қаламкашларни тўплаган жамоа, бугунги кунда, айтиш мумкинки, ўз мактабини яратди. "Халқ сўзи"да қалами қайралган қатор ижодкорлар ҳозирда давлат ва нодавлат ташкилотларида ишламоқда, раҳбарлик қилмоқда. Республикамиздаги етакчи нашрларни бошқармоқда, хорижий мамлакатларда таҳсил олмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Ўз мактабини яратган жамоа бугун Истиқлолимизнинг ҳар бир йили салоҳиятини ўзига хос тарзда ёритиб келмоқда. Олий Мажлиснинг қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлар ёки икки палатали парламентимизнинг шаклланишида газетамиз жамоаси фаол меҳнат қилди. Қолаверса, қонун ижодкорлиги муҳитида, яъни қонун лойиҳаси тайёрланишидан тортиб то унинг Сенат томонидан маъқулланишигача бўлган узвий жараёнларнинг барчаси газетамиз саҳифаларидан ўрин олмоқда. Умуман, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда энг олдинги сафларда бориш газетамиз жамоасининг биринчи даражали устувор мақсад ва вазифасига айланган. Бунинг учун ҳамма шароит, имконият ва асослар етарлидир.

(Давоми 2-бетда).

*Сўз — истиқлол тенгдошларига*

# Юртбошимизнинг невараларимиз



**Хуршид КОМИЛОВ, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 75-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси:**

*—Ҳар йили биринчи сентябрда оиламизда икки карра байрам бўлади. Истиқлолнинг ва менинг туғилган кунимни нишонлаймиз. Бувижоним ёруғ кунларда туғилган болажонимдан ўргилай, деб пешонамдан ўпиб қўяди. Дарвоқе, деярли барча синфдошларим ҳам мен билан бирин-кетин туғилишган. Ўқитувчимиз синфимизга истиқлол синфи деб ном ҳам қўйиб олган. Бир марта радиодан Юртбошимизнинг "Мустақиллик фарзандлари—менинг невараларим", деганларини эшитганман. Демак, биз фақат аъло баҳоларга ўқишимиз, ақлли ва тарбияли бўлишимиз керак.*

*Мен ҳамма фанларга қизиқаман. Лекин тарих ва адабиётни жуда яхши кўраман. Алишер Навоий бобомизнинг ҳикматли сўзлари билан Абдулла Ориповнинг "Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?" шеърини ҳар куни укамга ўқиб бераман. Мактабни битирганимдан сўнг, институтда ўқиб, тарих ёки адабиёт ўқитувчиси бўлсам керак. Ойим эса шифокор бўлақол, кексайганимда менга қараб юрасан, дейди.*

*Ҳар доимгидек кириб келаётган янги йилни бу йил ҳам қувониб кутаяпмиз. Иккинчи чоракни яхши ва аъло баҳолар билан тугатдим. Кеча ойим укам икковимизни Алишер Навоий номидаги миллий боққа арча байрамига олиб борди. Болалар жуда кўп экан. Биргалашиб ашула айтдик, рақсга тушдик. Уйга қайтишда Навоий бобомиз ҳайкалини зиёрат қилдик.*

*Янги йил байрами ҳаммага совға олиб келсин!*



# Уларга ўхшагим келади

***Тамила САЛИМЖОНОВА, Успенский номидаги махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси, қатор халқаро танловлар ғолиби:***

*– Агар мендан дунёдаги энг гўзал давлат қайси деб сўраб қолсалар, албатта, Ўзбекистон деб жавоб берган бўлардим. Мен унинг фарзандларидан бириман. Адам билан ойимнинг таъкидлашича, ҳар бир одам ўзи туғилиб ўсган юртни асраб-авайлаши, ардоқлаши ва унга муносиб бўлиши керак экан. Бу фикрни устозим, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Поповичдан ҳам кўп эшитаман. Боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, шахматчи Рустам Қосимжонов, футболчи Миржалол Қосимов, Марказий Осиёда ягона 6-дан "Қора белбоғ" соҳиби Нурхон Нафасов, теннисчи Ирода Тўлагановаларга ҳавасим келади. Ахир уларни бутун дунё танийди. Уларга ўхшаб, юрт довруғини таратгим ва ўзим ҳам машҳур бўлгим келади. Энг катта орзуларимдан бири консерваторияга кириш ва Ўзбекистон ҳақида гўзал мусиқа асари яратиш.*

*Тенгдошларимни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклайман. У барчамиз учун қувончли бўлсин!*

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Г. ЙЎЛДОШЕВА**
**ёзиб олди.**

# ҚАЛБИНГИЗДАН ҚУВОНЧ, ХОНАДОНИНГИЗДАН

## БИЗ ЎН БЕШ ЁШДАМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Таҳририят фахрийлари яхши эслашади. 1990 йил 31 январь, айни туш пайтида мамлакатимиз раҳбари кутилмаганда, ҳашаматли мажлислар саройига эмас, ишчилар ошхонасига — ҳеч қандай дабдабасиз, кузатувчиларсиз, қарсакларсиз кириб, оддий қаламкашлар билан қўл бериб кўришганича, уларни қутлаганича ўзи истаган жойга келиб ўтирди. Ошхона ҳам ҳаминқадар эди: лаблари учган чойнак-пиёла, алюминий қошиқлар, синиқ ва мажруҳ столу стуллар, ҳатто, стол устида дастурхон йўқ эди. Бугун ўша "дастурхони йўқ таҳририят" ходимлари энг замонавий таъмирланган бинода ишлашмоқда. Ҳар бир ходим ўз компьютерига эга ва исталган пайтда ахборот олиш ва узатиш имконияти бор. Таҳририятнинг вилоятлардаги мухбирлари учун ҳам худди шундай имтиёзлар мавжуд. Бундай имкониятни Мустақиллик берган бўлса, бундай шароитни таҳририятнинг ўзи яратди.

"Халқ сўзи" бугун навқирон ёшда. Унинг минглаб, миллионлаб муштарийлари бор. Унинг сўзи бугун интернет орқали дунёга чиқмоқда. Жаҳон аҳли Ўзбекистондаги ўзгаришларни, юрт тарихи ва бугуни ҳақидаги хабарларни унинг саҳифаларидан ўқийди ва муайян хулоса чиқаради, баҳо беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу жамоа айтадиган сўз жамики журналистларники сингари янада одил ва холис бўлиши керак. Негаки, эл ҳақ сўзни севади. Ҳақ сўзга суянади ва сиғинади.

Биз "Халқ сўзи" ўз мактабини яратди, дедик. Бу мактабнинг сабоқ бергувчи томонлари билан бирга ҳали ўз фаолиятидаги айрим жиҳатларни янада такомиллаштириши лозимлигини ҳам эътироф этишимиз даркор. Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этмоқда. Шу боис, ишимизда ҳам, ижодий фаолиятимизда ҳам тезкор ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келади. Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш юзасидан дастурий кўрсатмалар берди. Зеро, мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди. Янги йил арафасида — 28 декабрда Президентимиз «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига ташриф буюрганларида кўплаб соҳалар қатори журналистика олдида турган вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Дунё тилларини яхши билган, бизнинг сиёсатимизни бошқаларга тушунтира оладиган маҳоратли журналистларга эҳтиёжимиз борлиги таъкидланди. Шу дамларда ўн беш йиллик тарихни ортда қолдирган газетамиз даргоҳига кейинги тўрт-беш йил ичида исталган мамлакат журналисти билан дадил баҳслаша оладиган ёшлар қўшилганлигини ғурур билан эслаймиз. Бу авлод миллат манфаатларини ҳимоя қилишда, рост сўз билан мухолифларга зарба беришда бўш келмаслигини баайни 2005 йилда намоён эта олди.

Хулласи калом, азиз муштарий, Сиз билан Янги йилда уч минг саккиз юзинчи марта учрашиб турибмиз. Шу даврда "Халқ сўзи" сизнинг фикрдошингизга, суҳбатдошингизга ва маънавий маслаҳатчингизга айланганига шубҳа йўқ. Бундан кейин ҳам газетамиз Сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолишини ният қиламиз ва Янги йилда хонадонингиз янада қут-баракали бўлишини истаб қоламиз.

### Эзгу ниятли ташрифлар

2005 йил мобайнида давлатимиз раҳбарининг дунё мамлакатлари бўйлаб сафарлари

**15-17 март.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Словения Республикасида бўлди.*

**4-6 апрель.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига борди.*

**7-8 май.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирда қатнашди.*

**25-27 май.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.*

**28-29 июнь.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерация Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.*

**4-5 июль.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитида қатнашди.*

**6-7 октябрь.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, МОҲ ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.*

**14-15 октябрь.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти В. Путин билан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабати тўғрисидаги шартномани имзолади.*

### Дилдаги гаплар

## Биргаликда юрт тарихин битамиз



Қишлоқ хўжалигининг етук билимдони **Ағитай АДИЛОВ** истиқлолимизнинг 14 йиллик шодиёнаси арафасида Президент Ислом Каримов Фармонига кўра, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлди. Мамлакатимизнинг бу нуфузли унвони, албатта, қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг заҳматига муносиб баҳодир. Бу ҳақда А. Адилов шундай дейди:

— Мустақиллик бизга том маънода ўзлигимизни англаш имкониятини яратди. Меҳнатимиз қадр топди, амалга ошираётган камтарона ишларимиз давлатимиз томонидан юксак баҳоланмоқда. Бу инсон қанчалик мукаррам зот бўлса, унинг меҳнати ҳам шу қадар азиз, деганидир. Биласиз, Қорақалпоғистон замини экологик жиҳатдан анча оғир. Бу ерда меҳнат қилиш, экин ўстириш, пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Ушбу вазиятни ҳар доим чуқур идрок этадиган мамлакатимиз раҳбари бизнинг воҳага асосий эътиборни қаратдилар. Ўтган йиллар мобайнида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида тасаввуримиздан ҳам зиёд янгиланишлар рўй берди. Бундай кенг қамровли ишлар "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталган янги 2006 йилда ҳам давом этиши аниқ. Шунингдек, иқтисодий ўсишда барқарорликни таъминлаш борасида ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар айни шу ғамхўрлик маҳсулидир. Ўз ўрнида бу эътибор бизни машаққатлардан чўчимасликка ундайди, орзу-умидларимизга қанот бағишлайди. Янги йил барча юртдошларимиз қатори бизнинг ҳам эзгу истакларимизга ижобат келтирсин!

## МУШТАРИЙ МЕҲРИГА МУНОСИБ

***2005 йил мобайнида «Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида чоп этилган қуйидаги чиқишлар «Йилнинг энг яхши мақоласи» рўйхатига киритилди.***

8 февраль. **Васила КАРИМОВА**нинг «Соғлом яшаш фалсафаси» мақоласи.

23 февраль. **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.** «Эски шаҳарнинг янги тарихи яратилмоқда».

19 апрель. **Матёқуб ҚЎШЖОНОВ** (раҳматли). «Бир асар қисмати».

17 июнь. **Худойберди ТЎХТАБОЕВ.** «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси».

24 июнь. **Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.** «Қонун ҳокимга ҳам ҳоким»

5 август. **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.** «Мулоқот моҳиятидаги ҳикмат».

11 август. **Озод АББОСХЎЖАЕВ.** «Бизни ўзбек дейдилар».

### *Ўзбекистон — Россия:*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

• Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 112 та шартнома, келишув ва протокол имзоланган.

• 1997 йилдан эътиборан икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолият кўрсатмоқда. Унинг саккизинчи йиғилиши 2005 йил 10-11 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

• 2004 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айланмаси 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ўсган бўлса, Россия Давлат статистика федерал хизматининг маълумотларига қараганда, 2005 йилнинг 8 ойи давомида бу кўрсаткич 1147,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга таққосланганда 36,8 фоиз кўпдир. Шунингдек, ушбу муддатда Россиянинг Ўзбекистонга экспорти 542,7 млн. АҚШ долларига (19,4 фоиз ўсиш), импорт эса 604,4 млн. АҚШ доллари (57,4 фоиз ўсиш)га етди.

• 2004 йилда россиялик ҳамкорлар иштирокидаги корхоналар сони 390 тани ташкил этган эди. Ҳозирда эса 433 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 295 таси қўшма корхона, 54 таси россиялик сармоядорлар маблағи ҳисобига қурилган, қолгани хорижий инвестицион корхона мақомига эга бўлмаган корхоналардир. Ўтган тўққиз ой мобайнида уларнинг ташқи савдо айланмаси 84,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 53,4 фоиз зиёддир.

• 2005 йил 10-11 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган 1-Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида Россиянинг енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 32 та йирик компанияси вакиллари иштирок этди. Ярмарка давомида Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ўртасида 2006-2007 йил ҳосили ҳисобидан 293,1 минг тонна пахта толаси етказиб бериш бўйича 44 та шартнома имзоланди.

• Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда Россия Федерациясида ўзбекистонлик резидентлар иштирокидаги 278 та корхона ҳисобга олинган. Россиянинг 86 та фирма ва компанияси эса ушбу вазирликда аккредитация қилинган.

### Андижонликларнинг Новосибирскдаги «Савдо уйи»

**Илгари пластик композитли алюминий панеллар фақат Тошкент шаҳрида тайёрланар эди. Янги йил арафасида Андижонда ҳам бу бинокорлик материалини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Германия технологияси асосида тайёрланган ана шу ашёнинг афзаллиги шундаки, у иншоотларга кўрк берибгина қолмай, балки шовқинни камайтиради, намликни ўтказмайди. Муҳими, хомашёни Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси пешма-пеш етказиб бераётир.**

**Янги «Андполик» корхонаси жамоаси куни кеча Новосибирск шаҳрида ўз «Савдо уйи»ни очди.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хориж инвестицияси — енгил саноатга

***• 2005 йилда мамлакатимиз енгил саноати соҳасига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар миқдори 61,317 млн. АҚШ долларини ташкил этди.***

***• Шу йил "Наврўз" байрами арафасида "Бурсель Тошкент текстиль", "Акбарали текстиль", "Бош кийимлар фабрикаси", "АйДемир текстиль"(биринчи босқичи) қўшма корхоналари ҳамда "Оригинал Текс" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди.***

***• Истиқлолимизнинг 14 йиллиги тантаналари кунларида эса "Тўрткўлтекс", "АйДемир текстиль" (иккинчи босқичи), "Демир текстиль", "Мурувват текс", "Таштекстиль" қўшма корхоналари ва "Байтекс Тижарет" хорижий корхонаси (биринчи босқичи) фойдаланишга топширилди. Ана шу иншоотларнинг бунёд этилишига 67,98 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланди. Улар томонидан йилига 5,1 минг погон метр ип калава, 7,98 млн. метр газлама, 22,1 минг погон метр бўялган трикотаж полотноси, 25,5 млн. дона тайёр трикотаж ва 5 млн. дона тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Пировардида ушбу корхоналарнинг йиллик экспорт салоҳияти 48,8 млн. АҚШ долларидан ортади.***

### *Байрам қувончи*

Янги — **2006** йил кириб келиши арафасида. Кўчаларда, хиёбонларда, умуман, юртимизнинг барча гўшасида байрам нафаси уфурмоқда. Биз янги йил остонасида айрим юртдошларимизнинг дил изҳорлари билан ўртоқлашдик.



## Кўнгилларга ЗАВҚ-ШАВҚ инганда

***Ғулом МАМАТҚУЛОВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ходими:***

— Янги йилни ўзгача интиқлик билан кутаяпмиз. Оиламизда айни пайтда тайёргарлик қизғин. Мана, бугун жиянларим Диёрбек ва Умидахонларни миллий боққа олиб келдим. Арчага олиб боринг, деб қўйишмади. Вақт топиб келдик, буларнинг арчани соғинганича бор экан. Арчанинг чиройли безатилгани, ён-атрофдаги байрамона манзара, кўчма расталарда болалар учун барча ўйинчоғу ширинликларнинг муҳайё этилгани бизга ниҳоятда манзур бўлди.

Поёнига етаётган йил мен учун омадли келди — ўқишни битириб, ишга кирдим. Бундан хурсандман! Айтиш мумкин бўлса, янги йилда ҳаётимда муҳим ўзгариш рўй беради, яъни, уйланмоқчиман. Яқинда севганим билан фотиҳа тўйимиз бўлиб ўтди. Барчанинг ҳаётида яхши воқеалар рўй беришини истайман!

***Тошкент тиббиёт академиясининг 6-курс талабалари Зулфия ва Камолахонлар янги йил истакларини шундай баён этишди:***



— Якунига етаётган йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири, бу биз таълим олаётган даргоҳнинг Президентимиз ташаббуси билан Тиббиёт академиясига айлантирилгани бўлди. Бу мамлакатимизда тиббиётдаги ислоҳотлар янги поғонага кўтарилганлигининг яна бир далилидир. Зотан, саломатлик инсон учун энг муҳимдир. Мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги бундай эътибор, соҳадаги камчиликларни бартараф этади, онда-сонда бўлса-да, учрайдиган таъмагирлик, ноҳалоллик иллатларига барҳам беради. Ўз ўрнида биз ёшлар ҳам ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига яраша ўз билимимиз билан муносиб жавоб қайтармоқчимиз. Янги йил барчага бахт олиб келсин!

***Гавҳар ШОМАНСУРОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси:***

— Қаранг, Янги йил арафасида интиқлик билан кутганимиз — биринчи қор ёғди. Бувимлар доимо айтадилар: "Қор — бу қут-барака!" Янги йилни ана шундай қут-барака элчиси билан кутиб олиш кишига ажойиб завқ бағишлайди. Янаям муҳими, атрофга боқинг: одамларнинг кайфияти кўтаринки. Мен ана шундай кўтаринкилик ва қувноқлик ҳеч қачон аримаслигини тилайман.

***Ашур ЖАББОРОВ, шифокор:***

— Янги йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши соҳамиз ходимларига катта кўтаринкилик бахш этди. Бизнинг касбимизга ҳукумат томонидан берилаётган катта эътибордан бениҳоя мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, бутун ҳамкасбларим номидан Президентимизга мингдан-минг раҳмат айтмоқчиман. Биз шифокорлар бундан кейин ҳам доимо халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида меҳнат қилаверамиз.

— Янгангиз билан атайин янги йил арафасида пойтахтни айланишни анчадан бери ният қилиб юргандик, — дейди ургутлик **Раҳим ака АБДУРАСУЛОВ** — Бугун шу орзуимиз ушалди. Миллий боғ бутунлай янги қиёфа касб этибди. Бу гўзалликни телевизор орқали кўриш бошқа, келиб кўриш бошқа экан, барибир. Безатилган байрам арчаси атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан расмга тушдик. Ўзим Ургут шаҳарчасидаги 4-мактабда ишлайман. Бу ерда болалар учун тайёрланган байрам дастури менга жуда маъқул бўлди. Пойтахтга келмаганимга анча йил бўлганди. Бир кунда қайтамиз дегандик, энди бу фикрдан қайтдик. Тошкентнинг ҳамма гўшасини айланиб чиққач, уйга қайтамиз. Уйдагиларга телефон қилиб, Янги йил киришига тўрт-беш соат қолганда етиб борамиз, дедик. Келгуси йил ҳаммининг ҳаётида қувончли воқеаларга сабабчи бўлсин, илоё!



***"Халқ сўзи" мухбирлари***
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Юс БЎРОНОВ ёзиб олишди.**

## Болалар чеҳрасидаги шодлик



Янги йилни болажонлар яхши кўриши барчага маълум. Улар байрам арафасида ота-оналаридан, Қорбободан совғалар олишни интиқлик билан кутишади. Биз қутлуғ сана арафасида учрашган болажонлар бу йилги янги йилни ўз уйларидан анча олисда нишонлашди...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Республика болалар ортопедия марказида даволанаётган 150 нафардан ортиқ болажонларнинг олдига Қорбобо ва Қорқизнинг кириб бориши уларнинг қалбига олам-олам шодлик олиб кирди.

— Шифохонамизда таянч ҳаракатида нуқсонлари бор болажонлар даволанишади, — дейди марказ директорининг даволаш ишлари бўйича муовини Комилжон Алимов. — Улар учун барча шароитлар яратилган. Бола барибир бола-да, янги йил байрамида уйга кетаман деб хархаша қилади. Афсуски, улар тузалиб кетмагунча жавоб бérolмаймиз. Шундай пайтда мана бу тарзда хайрли ишга қўл урганларга раҳмат.

Булунғурлик Зиёвуддин Болтабоев 4-синфда ўқийди. Яхши-яхши шеърлар ёзади. Математика фанидан ўртоқларига доимо ўрнак. Тасодиф туфайли, бир неча йил муқаддам оёғидан жароҳат олганди. Бугун у ўз соғлиғини аста секин тиклаяпти.

— Қорбобо тилагингни айт деганди, учувчи бўламан, деб жавоб бердим, — дейди Зайниддин. — Мени даволаётган барча шифокорларга, айниқса, Дилором опа Аброровадан миннатдорман. Бу ерга келганимга икки ойдан ошди. Анча яхши бўлиб қолдим. Қашқадарёдан келиб даволанаётган Шербек Сайдалиев эндигина уч ёшга қадам қўяяпти. Лекин унинг арча атрофида бурро-бурро тилда шеърлар айтиши тўпланганларга манзур бўлди.

Шунингдек, Қорбобо ва Қорқиз республика онкология илмий маркази, республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти, болалар руҳий касалликлар шифохонаси, болалар полиомиелит шифохонасида даволанаётган болажонлар ҳузурида ҳам бўлишди.

**З. ТОШТЕМИРОВ.**

# “Шеърият ўзига хос қасамёддир”



Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо билан суҳбат

**— Иқбол ака, Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлганингиз билан газетхонлар номидан табриклаймиз. Сизнинг ёшингизда бундай юксак эътиборга сазовор бўлган ижодкор кам учрайди...**

— Раҳмат. Ўша ҳаяжонли кунларда кўпчилик кўнгил яқин дўстлар, устозлар қайта-қайта шу гапни такрорлаб, “Шўро даврида бу унвонни олиш учун эллик ёки олтмиш ёшга тўлиш шарт эди», дейишди. Мен уларга жавобан: “Ўзбек халқи ҳеч қачон истеъдодга муҳтож бўлиб қолмаган. Ўша шўро даврида, яқин тарихимизда ҳам ҳар қандай унвонга муносиб ижодкорлар кўп эди, яъни унвон оладиган муносиб ёшлар бор эди-ю, мукофот берадиган бағрикенг, мард бўлмаган”, дедим.

Истеъдодларнинг қисмати ҳамиша ҳавас қиладиган даражада кечмаган. Разолат ва жаҳолат уларнинг азалий жаллодларидир. Шу ўринда Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларни эслаш кифоя. Миллат гули бўлган ва ўн гулидан бири очилмаган талантлар зулм машинасининг темир ғилдираклари остида топталди, жувонмарг қилинди. Уларни миллат хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Балки одамларни қўрқув йўли билан юлдузга қарашдан тийиш мумкиндир. Лекин юлдузларни бутунлай беркитиб бўлмайди. Мозийдаги ана шундай хатти-ҳаракатлар бугун ўтмишга айланди. Инсон ҳамма нарсага тез кўникади. Шахсан Президент ташаббуси билан миллат қаҳрамонларига нисбатан тарихий адолатнинг тикланиши бугун оддий ҳолатдек кўринади гўё. Аслида бунинг нечоғлик улкан воқеа эканлиги вақт ўтган сари ойдинлашиб боради.

**— Ижодингизни кузатган одам Ватан ва миллат мавзусига кейинги тўрт-беш йил ичида қўл урганлигингизни кўриши мумкин. Бу нима билан боғлиқ?**

— Муқаддас тушунчалар ҳақида ёзиш катта тайёргарлик ва масъулият талаб этади. Сен қаламга олаётган мавзуинг моҳиятини билмасдан ёзсанг, ўқувчига етиб бормайди. Ватан ҳақида ёзиш учун муносиб бўлиш керак. “Ватан, фидойинг бўламан” дедингми, бўлишинг шарт. Шеърият ўзига хос қасамёддир.

**— Бугун сиз қўшиқчилигимизнинг обҳавосини белгилайдиган ижодкорлардан бирисиз. Қўшиқлардан кўнглингиз тўладими?**

— Мамлакатимизда санъатга, хусусан, қўшиқчиликка катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Кимлargадир қўшиқ кўнгилхушлик воситаси бўлиши мумкин. Лекин ўзбек учун қўшиқ санъатдан кўра кенгроқ ва залворлироқ тушунчадир. Устоз Муҳаммад Юсуфнинг ўзидек содда ва самимий сатрлари миллионлаб ёшларимизнинг дил ўланларига айланди. Миллат ва Ватанга муҳаббатни ана шундай оҳанглар тарбиялайди.

Афсуски, бундай чинакам қўшиқлар жуда кам.

**— Кейинги пайтларда эсда қоларли адабий кечалар, шов-шув бўларли мушоиралар бўлмаётгандай, адабиёт ихлосмандлари камайгандай кўринади?**

— Юзаки қараганда шундай туюлиши мумкин. Тўғри, бугун оммавий шеърхонликлар, уюштирилган махсус адабий учрашувлар камайган. Лекин ўзликни, ўз шахсини англаш жараёни кетаётган бир пайтда бунинг руҳий жиҳатлари ҳам бор. Яқинда, аниқроғи, сентябрнинг охирларида Фарғонага бориб пахта тераётган талабалар билан учрашдик. Ёниб турган кўзлар, шижоат-ғайрат, меҳру муҳаббатга лиммо-лим кўнгиллар шеъриятга нақадар чанқоқлигига яққол гувоҳ бўлдик. Токи ўзбек бор экан, кўнгил омон экан, шеърият ва қўшиқ мангу яшайди. Шу ўринда ёшлар ҳақида баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтсам. Ёшларга ўринли-ўринсиз эътироз кўп. Умуман олганда, бутунлай янги авлод шаклланаяпти. Уларнинг севгиси, диди, кийими бошқачароқ бўлиши табиий. Аммо Ватанга, табаррук тупроғимизга меҳри, Истиқлол ва Юртбошига садоқати баъзилар чамалагандан кўра юз карра ортиқроқ. Бу фикр масъулиятини бўйнимга олиб айтяпман.

**— Ўз ижодингиздаги севимли сатрларингиз қайси?**

*— Агар жаннат кўкда*
*бўлса, остидадир*
*Ўзбекистон,*
*Агар жаннат ерда бўлса,*
*устидадир Ўзбекистон!*

**— Режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Менга унвон берилаётган тантанада “Бу олий эътибор энди ёзадиган асарларим учун берилди, деб ҳисоблайман” дегандим. Бир умрлик режам — шу бурчни адо этиш: яхши асарлар ёзиш, зиммамдаги вазифани сидқидилдан бажариш.

**— Байрам тилакларингиз?**

— Ҳеч кимни умид ва ишонч тарк этмасин! Оналаримиз, оталаримиз омон бўлишсин! 2005 йил юртимиз учун юксалишлар даври бўлди. Мен ишонаманки, 2006 йил янада баракали ва омадли келади. Чунки ҳаракат бор жойга албатта баракот ёғилади. Кутаётган янги йилимиз кутилган меваларини берсин!

**МАҚСУДБЕК.**

# GURUNG





*Тўй қизийди даврада,*
*Кураш сира тинмайди...*

**Рашид ГАЛИЕВ**
**сурат-лавҳаси.**

## «Бир куни Афанди...»

***«Ўзбекфильм» студияси томонидан суратга олинган янги бадиий фильмнинг номи шундай.***

Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов режиссёрлигидаги бир гуруҳ кино ижодкорлари ҳамкорлигида яратилган ушбу фильм сценарийси таниқли драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб.

Ундаги бош ролларни “Ҳандалак” ҳажвий кўрсатуви орқали элимизга яхши танилган санъаткорлар — Ортиқ Султонов (Афанди), Зокир Очилдиев (Бой) талқин этган. Кино бойнинг ҳамма фойдаланаётган ариқни ўзиники қилиб олиб, сувни сота бошлагани, унинг бу хатти-ҳаракатига қарши Афандининг усталиклари ҳақида ҳикоя қилади.

— “Маҳаллада дув-дув гап” фильмининг яратилганига ҳам қирқ йилдан зиёд вақт ўтибди, — дейди Шуҳрат Аббосов. — Ушбу асар орқали яна комедия жанрига қўл урдим. Тўғри, Хўжа Насриддин ҳақида илгари ҳам кўпгина кинолар олинган. “Насриддин Бухорода”, “Насриддиннинг қирқ биринчи қабри” кабилар шулар жумласидандир. “Бир куни Афанди...” комедияси орқали эса, биз, бундан олдин халқ қаҳрамони — Афандининг очилмаган қирраларини кашф этишга ҳаракат қилдик. Бунда томошабинни нафақат кулдиришга, шу билан бирга уларни ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка ундаш ғояси илгари сурилган, ҳаётда учрайдиган айрим ноҳақликлар талқин этилган. Мана шу жиҳатларни Афанди ва бошқа образлар орқали кўрсатиш, кулги йўли билан одамларни ҳушёрликка чақириш асосий мақсадимиздир.

“Бир куни Афанди” фильмида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Солиҳов, Мадина Мухторова, “Қаҳқаҳа” ҳажвий кўрсатувининг актёрлари ҳам ўзига хос ролларда қатнашишган.

**Ўз мухбиримиз.**

## Тўппонча

Азизжон дадаси газета ўқиб ўтирган меҳмонхонага югуриб кирди-да, қўлидаги ўйинчоқ тўппончани кўрсатиб:

— Дада, дада, қаранг... қаранг, менда нима бор? — деди севиниб.

Ота газетани бир чеккага қўйиб:

— Азизжон, уни қаердан олдинг? — деди беш яшар ўғлига мийиғида кулиб. — Сенда бундай ўйинчоқ йўқ эди-ю... ёки топиб олдингми?

Азизжон тўппончасининг уёқ-буёғини ағдариб кўриб, ундан кўз узолмай:

— Пўлатдан олдим. «КаМАЗ»имга алмаштирдим, — деди.

— Энди уни нима қилмоқчисан?

— Отаман!

— Нимани отмоқчисан?

Азизжон уй деворларига, шифтга кўз югуртириб:

— Ҳов анави чироққа отаман, — деди ўша томонга ўқталиб.

— Ие, — деди дадаси елка қисиб. — Кейин биз қоронғуда қолиб кетаверар эканмизда, бир-биримизни кўролмай.

Азизжон тўппончасини пастга тушириб, яна теварак-атрофга кўз ташлади:

— Бўлмаса, телевизорни отаман.

— Кейин мультфильмни қаерда кўрасан? Киноларни-

### Сабоқ

чи?

Азизжон бу ниятидан ҳам қайтиб, тўппончани деразага йўналтирди:

— Бўлмаса, деразага отаман!

— Деразамиз синса яхшими? Қишда совуқ еб ўтирарканмиз-да, касал бўлиб.

— Бўлмаса, ҳовлимиздаги товуғимизни отаман.

— Унинг жўжаларини ким боқади? Оч қолиб, ўлиб кетаверишсинми?

Ҳафсаласи пир бўлган Азизжон тўппончага — кераксизга айланиб қолган буюмга бирпас қараб турди-да эшикка йўналди.

— Қаёққа кетяпсан, Азизжон? — деди дадаси унинг ортидан.

— Пўлат мени алдаган экан. Ҳозир ўзимнинг «КаМАЗ»имни олиб чиқаман. Кейин сиз менга янги уй қуриб берасизми? Ҳалиги, каттасидан.

— Бўпти, — деди дадаси жилмайиб. — Фақат бир ўзим эмас, иккаламиз қурамиз, хўпми?

— Хўп!

Азизжон уйдан югуриб чиқиб, ташқарига отилди.

Шу пайт уларнинг суҳбатларини жимгина эшитиб турган онаси дадасидан сўради:

— Нега отилмайдиган оддий ўйинчоқни ўйнатгингиз келмади?

— Ростакам қуроллар ҳам ўйинчоққа ўхшайди-да, — деди дадаси хотиржамлик билан. — Ҳар ҳолда унинг оқибатларини ёшлигидан билиб қўйгани яхши-да.

**Зоир ЗИЁ.**

### Қимматга тушган хато

Япония молиявий компанияларидан бири ходимларининг қилган хатоси учун катта зарар кўриши мумкин.

«Mizuho Securities» компаниясининг ишчиларидан бири 610 мингта акциянинг ҳар бирини 610 минг иенага (беш минг доллардан зиёд) сотиш ўрнига, уларнинг ҳар бирини бир иена, яъни 1 центдан ҳам камроқ нархда бериб юборган, дея хабар қилади «Би-би-си» агентлиги.

Компания ходимлари ушбу хатони англаганга қадар эса акциялар ўз эгасини топиб бўлган. Эндиликда «Mizuho Securities» акцияларни қайта сотиб олмоқчи. Бироқ, компания вакилларининг айтишича, ушбу молиявий операция туфайли улар 220 миллион доллар зарар кўришган.

Япония ҳукумати эса биржанинг компьютерлари бундай очиқдан-очиқ хатони қандай ўтказиб юборганини аниқлаш чораларини кўрмоқда.

**Бу ажиб дунё**

### Виждонли таксичи

Лос-Анжелесда такси ҳайдовчиси бўлиб ишлайдиган, келиб чиқиши афғонистонлик Ҳайдар Содиқий машинасида жавоҳирга тўла сумка топиб олди. Шундан сўнг, ҳайдовчи сумка эгасини топиб, барча қимматбаҳо тошларни қайтарди.

Маълум бўлишича, 50 минг долларлик жавоҳирлар Нью-Йоркда яшовчи заргар Эрик Остейнга тегишли экан. Таксичининг бундай хатти-ҳаракатидан боши кўкка етган заргар Содиқийга муносиб суюнчи берди, деб хабар беради Би-би-си агентлиги.

### Паҳлавон чақалоқ

Украинанинг Черновци шаҳридаги туғруқхонада етти килограммлик чақалоқ туғилди, деб хабар беради «Газета.ru».

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маълум қилишларича, бундай вазнли чақалоқ Украинада биринчи марта туғилган. Унинг оғирлиги олти ойлик чақалоқ вазни билан тенгдир.

Ҳозирча бола ва онанинг соғлиғи ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ, шифокорларнинг айтишича, улар шифохона мутахассисларининг тўлиқ назоратида туришибди.

**Салим ДОНИЁРОВ**
**тайёрлади.**

*(Газетанинг навбатдаги сони 4 январь, чоршанба куни чиқади).*

## Қўшиқ

*Олисдаги маҳмадана, эй эски олчоқ,*
*Менга қадам ташламоқни ўргатмагин сен!*
*Ўзингга боқ, кейин майли ноғорангни қоқ,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Тинчлик дея юрак бағри куйик элдир бу,*
*Яратганнинг қошида энг суюк элдир бу!*
*Ўтмиши ҳам, эртаси ҳам буюк элдир бу,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Дала-даштлар ўз-ўзидан Эрам бўлмагай,*
*Лекин сендан беминнат бир карам бўлмагай,*
*Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмагай,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Китобингда даҳоларим сўзлари бордир,*
*Деворингда боболарим излари бордир,*
*Мағрур элнинг эту тирноқ дўстлари бордир,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Ялтираган ҳамма нарса эмас тилла, ҳей,*
*Ҳайфдир сенга Нақшбанддан қолган салла, ҳей,*
*Эй худони танимаган чаламулла, ҳей,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Ҳали баланд довонларга от қўядирман,*
*Керак бўлса осмонларга от қўядирман,*
*Лоқайдлигу нодонликка ўт қўядирман,*
*Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!*

*Нақорат:*
*Агар жаннат кўкда бўлса, остидадир Ўзбекистон,*
*Агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон!*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Янги йил ҳангомалари



### Уст-Юрт тепаликларини қор ялади

Конимехлик Абдураззоқ Сувонов чопонига ўраган қўзичоқни ўтовдаги чўғнинг яқинига қўйди-да, кампири Норқиз момога гап уқтирди. «Далвга яқин туғилган қўзичоқ дуркун ўсади. Бунинг сергаклигини кўр. Дирқиллашини кўр. Ҳа, бобонгнинг қўзичоғи...» Момо кулади. Момо завқланади. Куйлагининг енгидаги туршак билан майизни дастурхонга тўкиб чўғ устидаги қумғоннинг қопқоғини очиб кўради. «Чолим тушмагур ҳар қиш қўй қўзиласа шу гапни айтгани айтган. Ўзим биламан-ку буни...» дея жилмайиб қўяди.

Нурали чўпон уч оёғи чилвир билан боғланган қора қўчқорни отнинг устида туриб ерга қўйди. Жийрондан тушмай унинг жиловини устундаги яккамихга илди. Кейин «ҳув...» дея овоз берди. Пешайвонли уйдан чиққан Жамила эрига яқин келди. Бир унга, бир ҳовли ўртасидаги қўчқорга қаради. «Онаси, отнинг шолчасига тегма. Тери қотсин. Қўйга-да ҳайрон тикилма. Улларим суяк ғажисин деб келтирдим. Қўй боқиб, байрамда оғзингга мой тегмаса, чўпон бўлиб қайга ҳам борасан...» деди эри Жамилага қарамай.

Ворқин қишлоғининг учлари кўкка ҳай-ҳайлаган тераксорига бир гала қуш қўнди. «Чағур-чуғур»дан сергакланган Номоз қассобнинг Олапари занжирини шалдиратиб уч-тўрт ҳурди.

Қош қорайди. Димоғларга ёғга тушган гўштнинг иси урилди. Боғ кўчада мойланмаган велосипед занжири ғижирлади. Адашиб қолган бузоқ қай эшикка бош суқишини билмай маъради. Капкирлар қозонларни қитиқлай бошлади...

### Ҳолат

Катта-кичик шохлари савагични эслатувчи боғ. Боғнинг тўрт томони иморат. Боғни-да, ҳовлини-да уйларнинг деразаларидан тушиб турган чироқ нурлари чароғон айлаган. Магнитафондан ялла таралмоқда. Тил ва адабиёт ўқитувчиси Тошбек Жўраевнинг ёнбошида лўлаболиш. Уч-тўрт келин қимтиниб, бир этак болакайлар ким ўзарга дастурхондаги мева-чевага қўл чўзишмоқда. Тўрт ўғилнинг кўзи «ойнаю жаҳон»да. Бири-бирига гап уқтиради. Гап талашади. Ҳабиба келин иккита қозонпатир кўтариб остона ҳатлади. Сирли идишда ёғоч қошиқ билан патирларнинг ўртасига сариёғ солди. Болакайлар безовталанди. Келинлар қайнотага қаради. Ўғиллар дастурхонга яқинроқ сурилди. Тошбек Жўраев қайноқ патирдан ушатиб, қўлидаги бурдани эриган мойга ботирди. Катта-кичик қўлларнинг ҳаракатлари тезлашди. Ғала-ғовур тинди. Фақат сухандоннинг бийрон сўзларигина хона сукунатини бузиб турарди. «Келаётган йил қутли-шудли келсин. Пичанларимиз қуштилига илашиб кетсин. Ёнғоқларимизни совуқ урмасин. Кўзларингдан боболаринг айланиб юрсин, чуғурчиқларим... Ёппасига танларинг сиҳат бўлсин. Кўкайларинг тоза бўлсин. Элнинг олди бўлиб юринглар....» Домланинг гапларини уллари-да, келинлари-да эшитмади. Бу ўйларни домла кўнглидан ўтказди. Болаларининг билмаганлигининг боиси шунда эди.

### Висол

Жин кўчада овози дўриллаб қолган ўспирин отасининг чопонини кийиб олган қизнинг йўлини тўсиб турибди. Қизнинг қалдирғоч қошлари чимирилган. Аччиғи бурнининг устида тургани билан шаҳло кўзларининг бир четида қандайдир рағбат белгилари бор.

— Йўлни бўшат. Акмалга айтаман. Қантак ўрикнинг шохига оёғингдан осади. Ким билан гаплашаяпсан, ўзи.

— Осса осар. Қўрққан номард. Мана мен деб туриб бермаган номард... Сен учун битта эмас, мингта жоним бўлса ҳам тикдим...

— Уял! Тилингга шу сўзлар қаёқдан келади, ўзи. Янги йил оқшоми бўлса... уйингга бориб иссиқ сандалга оёғингни тиқиб, байрам қилсангчи!

— Юрагимга қил сиғмайди. Учта хатимнинг биттасига ҳам жавоб бермадинг. Мактабда-ку қизларнинг этагидан қўйиб юбормайсан. Айт, қачон сенга ёмон гапирдим. Қўлимнинг учини теккизганимни биласанми? Менга битта қарашинг, бир оғиз ширин сўзинг етарли. Бошқаси керакмас.

— Бидиллама. Сенинг гапларингга учадиган қизни бошқа жойдан қидир. Йўлни бўшат деяпман!

— Йўлингни ҳам бўшатаман. Қорамни ҳам ўчираман. Ёз келсин, сўнгги қўнғироқ ҳам чалинсин, қишлоқдан изимни ҳам тополмайсан. Кейин сенга тоғдан ким дўлана териб бераркин? Ким сенга Етимтепадан бинафшаларни топиб бераркин? Қоч-қоч дейсан...

Қиз тин олди. Ўспирин хўрсинди. Қишлоқни оралаб ўтган асфальт йўл томондан машина сигнали эшитилди.

— Калишимдан совуқ ўтди, Жамол! Опам манави тузга қараб турибди ахир! Ўзинг яхши бола-сан-ку... Сенинг дўстингман, деб хатлар ҳам ёзасан-ку...

— Синфдош қизларнинг олдида шунақа дейман. Аслида эса оқшомлари фақат сени ўйлаб чиқаман. Кундузи-да сенинг хаёлинг билан яшайман.

Қиз чопонининг ёқасини оғзига ёпиб қиқирлагандек бўлди.

— Нега бўлмаса икки йил муқаддам Собиров домланинг математикасидан кўчириб олишимга кўнмадинг. Зулпига кўчиртирдинг-ку...

Ўспирин довдирагандек бўлди. Довдираганидан оғзига келганини деди:

— Унда сенсиз туролмаслигимни билмасдим-да...

Қиз йигитнинг енгидан силтаб тортди. Ариқ ичига йиқилган Жамол ўрнидан турганида қиз муюлишдан бурилиб, кўринмай кетганди...

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
0000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи —. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ —Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 18.00 Топширилди — 18.40
1 2 3 4 5 6